

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
Б У Й Р У Қ И



П Р И К А З
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил 7 январь.

№ 7 -ум

“ ” 2020 года

**Адлия органлари ва муассасаларида стажировка ўташ тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилиш, ишга биринчи маротаба қабул қилинган ходимларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва уларни ривожлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Адлия органлари ва муассасаларида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (Ш.Кўчқаров) ҳамда тегишли адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари мазкур буйруқ талабларига қатъий риоя этиб, ишга биринчи маротаба қабул қилинган ходимларнинг стажировкасини ўз вақтида, сифатли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў.Назаров) ушбу буйруқни вазирликнинг таркибий тузилмалари эътиборига етказсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Тошкент шаҳри


Р.Давлатов